

ОҚАР СУВЛАРНИ ИФЛОСЛАНИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Позилов М.Н.,

Курбанова Л.М.

Иброхимова Замира Исмат қизи

Жizzax politehnika institutu, Жizzax шаҳри

latofatqurbanova@gmail.com

Кейинги йилларда Жizzах вилоятида табиатдан бетартиб фойдаланиш натижасида унинг табиий ҳолатида сезиларли даражада ўзгаришлар юз берип, асрлар давомида шаклланган географик-биологик мухитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса қишлоқ хўжалигида адирлар, тоғ ва тоғ олди, чўл зоналарида ерлар бетартиб ўзлаштирилиши, бундан ташқари вилоят иқтисодиётини бир томонлама ривожланиши туфайли минтақани табиатида бир қатор ўзгаришлар сезилмоқда. Буларга оқар ва ер ости сувларни сифати ёмонлашуви, тупроқлар шўрлиги ошиши ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Марказий Ўзбекистон минтақаси аввалдан суғориладиган майдонлари кўп, лекин сув ресурслари худудлар бўйича бирдай тақсимланмаганлиги ва камлиги билан бошқалардан ажralиб турадиган минтақадир. Шунинг учун Сирдарё ўзанида қурилган сув омборлари кўп пахта ҳосилини олишга қаратилган бўлиб, асосан ўз сув захираларини вегетация даврида сарфлайди. Бундан Жizzах ва Навоий вилоятлари худудида яйловларнинг қисқаришига ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўсатувчи Ҳайдаркўл-Арнасой-Тузкон техноген обьекти пайдо бўлди[1-3].

Ҳайдаркўл-Арнасой шўршоки табиий шароитда шу минтақанинг табиатдаги айланма сув ҳаракатининг асосий буғланиш жойи сифатида жуда муҳим ўрин тутади. Бу жараённи табиий шароитида шу ҳолда кечиши Туркистон, Молгўзар ва Шимолий Нурота тоғларида бошланадиган сув ресурслари пайдо бўлиш жараёнларининг оҳирги яқунловчи қисми бўлиб, Сангзор дарёсининг ҳавзасидаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолати ва шўршоки атрофидаги яйловлардаги табиий шароитларни ўзгармаслигига сабаб эди [4].

Ушбу мақолада Жizzах вилоятида сув ресурсларини ифлослантирувчи манбалар аниқланган, оқар ва ер ости сувларни сифати ёмонлашиши ва тупроқлар шўрлиги ошишига олиб келувчи омиллар таҳлил қилинган.

Жizzах вилоятида саноат конхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида технологиянинг мукаммаллиги таъминланмаганлиги туфайли хосил бўладиган заҳарли моддалар, газлар, оқава сувлар ва қаттиқ чиқиндилар таъсирида вилоят сув ресурсларида бир қатор ўзгаришлар сезилмоқда. Жizzах вилоятида сув обьектларига (канал, зовур, дренаж, коллектор ва бошқа) саноат корхоналари томонидан ташланадиган тозалангандан оқава сувларини йиллик кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган

1-жадвал

Жиззах вилоятида сув объектларига саноат корхоналари томонидан ташланадиган тозаланган оқава сувларини йиллик кимёвий таркиби

№	Сувнинг кимёвий таркиби, мг/л											
	Эримаган моддалар	Қаттиқ қолдик	КББЭ*	Хлорид	Нефть махсулотлари	Мис	Сульфат	Мишъяк	Азот аммоний	Нитрит	Нитрат	Фтор
ПДК**		1000	3	350	0,3	1	500	0,05	2	10	1	0,7
1	7,3		2201		0,8		0,5	0,17				1

*-Кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж(КББЭ).

**-Рұхсат этилган концентрация(ПДК)

1-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатмоқда, сув объектларига саноат корхоналари томонидан тошланадиган тозаланган оқава сувларни таркибда нефть махсулотлари, сульфат ионлари, мишъяк ва фторни сақланиб қолиниши сув ресурсларини сифатини ўзгаришига олиб келишини билдиради, кислородга бўлган биокимёвий ўзгаришлар эса 700 баробар юқорилигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари Жиззах вилоятининг табиий оқар сувлари қаттиқ чиқиндиларни ташлаш натижасида ҳам ифлюсланмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Жиззах вилоятида ташланадиган қаттиқ чиқиндилар ҳажми
(минг тонна ҳисобида)**

№	Саноат қаттиқ чиқиндилари	Маиший қаттиқ чиқиндилар		Умумийси
		Шаҳар ахолиси	Қишлоқ ахолиси	
1	11	184	195	390

Жиззах вилоятида оқар сувларга ташланадиган қаттиқ чиқиндилар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Маиший қаттиқ чиқиндилар саноат қаттиқ чиқиндилариға қараганда 17-20 баробар кўпdir. Бу чиқиндиларни ташлашда қишлоқ ахолисини ўрни ортиб бормоқда.

Айниқса оқар сув ресурсларига қишлоқ сув таъминоти объектларида пайдо бўладиган қайтарма сувларини қўшилиши сув таркибини кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Жиззах вилояти қишлоқ сув таъминоти объектларида пайдо бўладиган қайтарма сувларини ўртacha йиллик кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ сув таъминоти обьектларида пайдо бўладиган қайтарма сувларини ўртacha йиллик кимёвий таркиби

№		Сувнинг кимёвий таркиби, мг/л	
1	ПДК	Эримаган моддалар	
16770		Қаттиқ колдик	
740	1000	КББЭ	
1010		КБКЭ*	
8760	15	Хлорид	
12,2	350	Органик моддалар	
1850		Сульфат	
4	500	Темир	
0,0044	0,3	Нефть	
0,03	0,3	Максулотлари	
0,5	1	Мис	
	4	Фосфор	
0,02	0,05	Хлорофос	
0,01	0,05	Карбофос	
3	0,5	ПАВ	
10	2	Азот аммоний	
80		Калий	
9		Кальций	
0,00006		Пестицидлар	

*- Кислородга бўлган кимёвий эҳтиёж(КБКЭ).

Кишлоқ сув таъминоти обьектларида пайдо бўладиган қайтарма сувларини ўртacha йиллик кимёвий таркиби тўғрисидаги тахлиллар шуни кўрсатди, сув таркибida аммоний иони меъёрга нисбатан 5 баробар ва сирт актив моддалар(ПАВ) 6 баробар кўпдир. Сувда темир ва миснинг миқдори руҳсат этилган концентрациядан кам бўлсада, фосфор, калий ва кальций ионлари миқдори юқоридир.

Жиззах вилоятида табиий сув ресурслари оқава сув тозалаш иншоатлари томонидан тозаланган оқова сувларни ташлаши натижасида ҳам ифлосланмоқда (4-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, сув обьектларига тозаланиб ташланган оқава сувнинг КББЭ ва КБКЭ руҳсат этилган концентрация(ПДК)дан бир неча марта ортиқдир, қаттиқ қолдиқларни миқдори белгиланган меъёрга жавоб бермайди, чунки оқава сувларни тозалаш иншоатларининг самараадорлиги юқори эмас, лекин келтирилган маълумотларга кўра, ҳаммасига сув сифати яхши деб берилади.

Жиззах вилоятида шаҳар оқава сув тозалаш иншоотларидан сув объектларига тозалаб ташланган оқава сувларни кимёвий таркиби

№	ПДК	Сув тозалаш иншооти номи	Сувнинг кимёвий таркиби, мг/л									
			КББЭ	КБКЭ	Азот аммоний	Нитрит	Нитрат	Кагтиқ колдик	Нефть маҳсулот	Хлорид	Сульфат	Кислород эритмаси
1	Пахтакор	323	8,8	124	3	15	2	1	10	1801	1000	4

Табиий сув ресурслар (оқар ва ер ости сувлар)ни ифлюсланиши қишлоқ ахолисини ичимлик сув таъминлаш корхоналарида текширилганда, улар ташландиқ қайтарма сувлар билан ифлюсланиши ҳам маълум бўлди (5-жадвал).

Жиззах вилоятида табиий сувларга ташланадиган оқава, зовур-дренаж сувларни умумий микдори ва ифлюслантирувчи моддалар улуши

№	Ташландиқ сувларни умумий микдори		Ифлюслантирувчи моддалар микдори ва улуши						
	Млн м ³ йилда	%	Минг т. йилда	Эримаган моддалар	Кагтиқ колдик	Азот аммоний	Темир	Нефть маҳсулотлари	Пестицидлар

1	1354,1	5,2	2701,0	6,3	28141	4,1	1,9	3,3	0,052	2,1	0,066	2,0	0,000004	0,05
---	--------	-----	--------	-----	-------	-----	-----	-----	-------	-----	-------	-----	----------	------

Маълумки, Жиззах вилоятида зовур-дренаж тармоғи анча ривожланган. Ҳамма суғорищдан чиққан ташландиқ қайтарма сувлар Ҳайдаркўл-Арнасой-Тузкон техноген объектига оқизилади. Вилоят зовур-дренаж сувларининг кимёвий таркиби қўйидаги б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Жиззах вилояти худудидаги зовур-дренаж ташландиқ сувларни кимёвий таркиби

№	Шўрлиги, мг/л	Асосий ионларни йиғиндиси					
		HCO ₃ ⁻ , мг/л	Cl ⁻ , мг/л	SO ₄ ²⁻ , мг/л	Ca ²⁺ , мг/л	Mg ²⁺ , мг/л	Na ⁺ +K ⁺ , мг/л
ПД К	1000	500	350	500	180	40	200
1	$\frac{2640}{7880}$	$\frac{240}{390}$	$\frac{2040}{3870}$	$\frac{3310}{6250}$	$\frac{290}{600}$	$\frac{440}{830}$	$\frac{1800}{3450}$

Суъратда - ифлослантирувчи модданинг ўртача миқдори, маҳражда – энг юқори кўрсаткичи келтирилган.

Жиззах вилоят бўйича зовур-дренаж сувларини қаттиқлиги, КББЭ, умумий азот, темир, кремний, фенол, нефть маҳсулотлари, фосфор, Cu, Zn, Pb, F, Метофос, Карбофос каби заҳарли моддалар борлиги ёки йўқлиги умуман аниқланмаган.

Зовур-дренаж коллекторларда оқадиган сувларни ўртача шўрлиги 2,64 г/л ни, энг юқори кўрсаткич 7,88 г/л ташкил этади. Зовур-дренаж сувларни таркиби асосан сульфат, хлорид, натрий ва магнийдан иборат. Сув таркибида рухсат этилган концентрацияга нисбатан сульфатлар 11 марта, хлоридлар 10 марта, магний 10-20 марта, натрий 9-18 марта ошиклиги қайд қилинган. Шуни қайд қилиш лозимки, Жиззах вилояти сув ресурсларини шўрлиги, қаттиқлиги ва улардаги заҳарли моддаларни рухсат этилган концентрациядан ошиб кетиши оқибатида суғориладиган майдонларда тупроқларни иккиласми шўрланиши авж олиши, Жиззах, Пахтакор, Дўстлик ва Гагарин каби шаҳарлар худудида грунт сизот сувларини сатхини кўтарилиб кетиши, ёғинларни шўрлиги ошиб кетиши вилоят худудида сув сифатини ёмонлашувига олиб келмоқда. Айниқса Санѓзор, Зоминсува бошқа табиий оқар сув манбаларни энг юқоридаги яйлов ландшафти зонасида чорвачиликни ривожланиши натижасида ўтлокларни қисқариши ва ўрмонларда арчаларнинг кесиб юборилиши дарёларни сувини камайишига сабаб бўлмоқда. Санѓзор дарёси суви Фаллаорол шаҳридаги саноат корхоналаридан чиққан оқова сувлар билан биргаликда Фаллаорол атрофида суғориладиган майдонлардан маъдан ўғитга тўйинган қайтарма ва уй хўжаликлардаги ташландиқ сувлар уч коллектор (Қорабулоқ, Кичикбулоқ ва Шўрбулоқ) орқали ташланиши оқибатида ифлосланмоқда. Оқиб тушадиган бу оқова сувларни шўрлиги 2,5-3,0 г/л га етиб бориб, қаттиқлиги 18-30 мг.экв/дм³ дан ошиб кетмоқда. Сув таркибидаги хлорид, сульфат, фосфат нитрат ва нитритлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса темир моддасининг миқдори 0,006 мг/л дан 0,32 мг/л га, қаттиқ қолдиқлар (сувда чўкмайдиган моддалар) миқдори эса 1,5-2 марта ошган. Вилоятда очик сув ҳавзаларига ўз оқова сувларини ташлайдиган корхоналар саноқли бўлсада, йилига 1354,1 млн.м³ умуман тозаланмаган оқова сув ташланмоқда.

Хозирги пайтда Жиззах вилоятида 293,8 минг гектар суғориладиган майдон бор. Шундан шўрланмагани 64 минг, кам шўрлангани 155 минг ва ўртача шўрлангани 21,8 минг, кўп шўрлангани 53 минг гектарни ташкил этади. Вилоятда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яъни тупроқ шўрини доимий ювиб туриш ва зах сувларни қочириш учун зовур-дренаж шахобчаси

курилган. Дарҳақиқат, вилоятда зах қочиришни талаб қиладиган ерлар 276 минг гектарни ташкил этади. Ётиқ дренаж қурилган майдон 234 минг гектарни, тик дренаж 17 минг гектарни ташкил этади. Вилоятни суғориладиган майдонларида 177 тик дренаж күдуклари мавжуд. Жиззах вилоятида магистрал, хўжаликларро ва хўжаликлар ичида кўплаб очиқ ва ёпиқ зовур-дренаж шахобчаси мавжуддир. Умумий узунлиги 18800 км ни ташкил этади. Лекин бу шахобчалар вактида таъмирланмаслиги, дренаж-күдукларини доимо ишламаслиги ва бошқа омиллар таъсири натижасида вилоятнинг шимолий ва марказий қисмида тупроқларни шўрланиши кузатилмоқда. Бундан ташқари Ҳайдарқўл-Арнасой-Тузкон техноген обьектини кенгайиши ҳам экин майдонларини қисқаришига сабаб бўлмоқда. Техноген обьектга чегара дош бўлган жойларда ер ости сизот грунт сувларни сатҳи кўтариши кузатилиб, экин майдонларни ботқоқликка айланиши бошланмоқда (7-жадвал).

7-жадвал

Жиззах вилоятида суғориладиган майдонни ер ости суви сатҳини чуқурлиги бўйича тақсимланиши

№	Йиллар	Суғориладиган майдон, минг.га	Ер ости суви сатҳини чуқурлиги бўйича суғориладиган майдонлар						
			0-1 м	1-1,5 м	1,5-2,0 м	2,0-2,5 м	2,5-3 м	3-5 м	5 м пастдаги
1	2008	292263	143 4	747 9	6102 1	11508 4	8468 9	2395 6	
2	2019	293809	600 1	688 7	6670 7	11324 4	7294 5	2802 5	

Жадвалдан кўриниб турибдики, суғориладиган майдоннинг асосий қисми(40%)да ер ости сувлар сатҳини чуқурлиги 2,5-3,0 метрни ташкил этади. Бу эса қишлоқ хўжалигидага ҳосилдорликни паст бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, Жиззах вилоятидаги оқар сувларни ифлослантирувчи асосий манбай қўйидагилар: - суғориладиган майдондан зовур-дренаж шахобчалари орқали оқиб чиқсан ташландик қайтарма сувлар; майший-хўжалик ва қишлоқ сув таъминотидан ва саноат корхоналаридан чиқсан оқова сувлар ҳисобланди. Вилоят худудида пайдо бўлган техноген обьектларни (сувлари шўр, ифлос сунъий кўллар ва оқова сувларни йиғувчи омборлар ва ҳоказолар), қишлоқ хўжалиги учун ишлатилган аэродромларни, маъдан ўғитлар сақланган омборларни, заҳарли чиқиндилар қўмиладиган қабристонларни сув ресурсларга таъсирини баҳолаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурдир. Жиззах вилояти зовур-дренаж шахобчасини таъмирлаб турish ва ташландик қайтарма сувларни каналлардаги сувларга тушишига йўл қўйилмаслиги керак. Барча сув ресурсларини ифлослантирувчи манбаларда кузатув пунктларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ишонкулов Р., Позилов М. Концепция оценки последствий экологической опасности воздействия на окружающую среду Айдаркульского техногенного объекта. Сб. ДжизПИ, Джизак, 2000. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2002.
- Позилов М. Н. Структурно-гидрогеологический анализ формирования подземных вод Санзарских месторождений //Журн.«Вестник ТашИИТа». – 2008. – №. 1. – С. 68.

3. Pozilov M.N., Qurbanova L.M., & Ibrohimova Z.I. (2022). The Structural Hydrogeological Analysis of Formation of Underground Waters. Eurasian Research Bulletin, 8, 13–18. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1416>
4. Fayzullaev N. I. et al. The Physicochemical and Textural Characteristics of Catalysts in the Catalytic Aromatization Reaction of Propane-Butane Fractions //International Journal of Control and Automation. – 2020. – Т. 13. – №. 4. – С. 888-896.
5. Ниёзова Д. Б. и др. СИНТЕЗ И ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ХИТОЗАН-КРЕМНЕЗЕМНЫХ НАНОКОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ //Главный редактор. –2019. –С.68.
6. Toshboyeva S. Q., Hamidov S. X., Qurbanova L. M. Elektrolitik dissotsiyalanish nazariyasini o'qitishni AKT asosida takomillashtirish //Science and Education. –2021. –Т. 2. –№. 3.
7. Qurbanova L. M., Mullajonova Z. S., Toshboyeva S. K. "NEFTNI QAYTA ISHLASH" MAVZUSINI OQITISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH //Science and Education. –2021. –Т. 2. –№. 3.
8. Qurbanova L. M., Toshboyeva S. K. KIMYOVIY TAJRIBALAR-O'QUVCHILARNING KIMYODAN TAYYORGARLIK DARAJASINI OSHIRISHDA MUHIM OMIL //Журнал естественных наук. –2021. –Т. 1. –№. 3.
9. Qurbanova L. M., Qarshiboyev B. I. NAVBAHOR GILLARINING GLITSERIN BILAN MODIFIKASIYALANGAN YUQORI GIDROLIZLANGAN POLIAKRILONITRIL (RS-2-3) ASOSIDA FIZIK-KIMYOVIY XOSSALARINI O'RGANISH //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 1. – №. 3.
10. Позилов М. Н., Каримова Ф. С. Формирование химического состава вод Айдаркуль-Тузкан-Арнасайского техногенного объекта //Высшая школа: научные исследования. – 2021. – С. 117-122.
11. Эшонкулов Р., Позилов М. Табиат айланма сув харакатини бузилиши оқибатлари. Жизпи шимий тўплами, Жиззах, 2001.